ИЖОДКОР ШАХС ОБРАЗИ ВА БАДИИЙ НИЯТ ИЖРОСИ

Н.Азизов

Мақолада Омон Мухторнинг "Минг бир қиёфа" романидаги Абдулла Ҳаким образи мисолида ижодкор шахс образининг муаллиф ғоявий-бадиий ниятини ифода этишдаги ўрни масаласи тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *роман, ижодкор шахс образи, ғоявий-бадиий ният, муносабат.*

В статье на примере образа Абдуллы Хакима в романе "Тысяча и одно лицо" Омона Мухтара исследована роль образа художника в воплощении творческого замысла автора.

Ключевые слова: *роман, образ творческого человека, идейно-художественный замысел.*

On the example of the character of Abdullah Hakim in the novel "Ming bir qiyofa" by Omon Mukhtar in the article. The role of the image of the artist in the embodiment of the author's creative idea was investigated.

Key words: *novel, image of a creative person, ideological and artistic intent.*

Барча замонларда ижодкор шахсияти, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни каби масалалар илмий, тарихий, бадиий асарларда атрофлича ёритилган. Хусусан, ўтмишда тазкира жанрида яратилган асарларда шоиру адибларнинг ҳаёт йўлидан лавҳалар берилиши билан бирга ижодий ишларига муносабат билдирилган. Хусрав Деҳлавийнинг "Ғуррат ул-камол" девонида устоз (ижодкор) мақомига эришиш учун тўрт шартни бажариш зарурлиги айтилади: шоир ўзига хос услуб эгаси бўлиши; маъно ифодаси ва сўзни қўллашда шеърият анъаналарига содиқ бўлиши; шеърда хато ва ноўрин сўз қўлламаслиги; кўчирмакашлик ва маъно ўғрилигидан сақланиши зарур [1. 339]. "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг шоирларга бағишланган ўн олтинчи фаслида Алишер Навоий уларни уч табақага ажратади: мутлақ ҳақиқатни назм либосида кўрсатганлар, ҳақиқат сирларини мажоз орқали баён қилганлар ва мажозни восита эмас, мақсад деб билганлар [1. 263]. Кўрамизки, Деҳлавий ўз қарашларида ижодкорнинг шахсиятига урғу беради, Навоий эса ижодкор яратган бадиият намунасини марказга олиб чиқади. Бири яратилажак асар сифатидан келиб чиқиб ижодкорнинг мақомини белгиласа, иккинчиси яратилган асар табиатидан келиб чиқиб шоирларни табақалайди.

Сайфи Саройининг "Васф ул-шуаро" маснавийсида эса шоирлар булбул, зоғ, тўтига қиёсланади. Бу эса тақлидчи ва мустақил ижодкор ҳақидаги қарашлар кўҳна муаммо эканини далиллайди.

XX аср ўзбек адабиётида ҳам ижодкор шахс образига айрича эътибор берилган. Ойбекнинг "Навоий", П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романларида, А.Ориповнинг "Жаннатга йўл" драматик достонида ижодкор шахс образи муаллифларнинг ғоявий-бадиий ниятини ифода этишда муҳим аҳамият касб этган.

Ёзувчи Омон Мухторнинг "Минг бир қиёфа" романида ижодкор шахснинг қаҳрамон сифатида танланиши бевосита даврнинг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари билан боғлиқ. Романда давр ижодкорларининг ўз миссияларини бажара олмаётгани, ушбу ҳолатнинг илдизлари хусусида мушоҳада юритилган.

"Минг бир қиёфа" романида шоир Абдулла Ҳакимнинг ижодкор шахс сифатидаги ижтимоий-маънавий моҳияти турли ракурсларда очиб бериладики, уларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ижодкор шахсга атрофдаги одамлар муносабати.
2. Ижодкор шахснинг ўз ижодига муносабати.
3. Ижодкор шахсга муаллиф муносабати.

Роман воқеалари давомида Ҳасан, Очил, Гулхумор каби персонажларнинг Абдулла Ҳакимга муносабати орқали омманинг ижодкор шахсга қараши акс этган.

" – Аввалдан бир қамчи шоирлик бор шекилли, бу болада?

– Бор. Шеър-пер ёзиб юради. Тўрт-бешта нарсаси чиққан. Лекин бундай шеър ёзаман, деб қишлоқдан келадиган кўп. Баъзиси уйланиб, баъзиси ичиб йўқ бўлиб кетади. Ҳозирги замонда анча-мунча китоби чиққан одамларни ҳам биров менсиб, дарров шоир деявермайди. Булар-ку, шеърга ишқи тушган шунчаки ҳаваскор" [2. 39].

Мазкур парчадаги "шеър-пер ёзиб турарди", "бир нечта нарсаси чиққан" каби жумлалар нафақат шеърга, балки ижодкорга нисбатан беписандликни, "баъзиси уйланиб, баъзиси ичиб йўқ бўлиб кетиши" ҳақидаги қарашлар омманинг "омадсиз" ижодкорга муносабатини ифодалайди. Ҳасан ва Очил кабилар учун Абдулла Ҳаким ижоди мутлақо аҳамиятсиз. Гулхумор образида эса бефарқлик

сақлангани ҳолда, Абдулла Ҳаким шеърларидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш кузатилади: “холасининг уйида қўлига тушган Абдулла Ҳакимнинг шеърларига ҳам бепарво босиқлик билан қаради. У фақат, Садир акам жинниси чиқиб, мени олдингидан ҳам кўпроқ яхши кўрсин, деган хаёлга бориб, дафтарни Садиржонга келтириб берди” [2. 107].

Бурҳон Шариф ва Садиржон эса Абдулла Ҳаким ижодини тушуна олувчи қалб эгаларидир. Муаллиф Бурҳон Шариф образини романда у қадар кўп ҳаракатлантирмайди, образга дастлаб атрофдаги одамлар (Абдулла Ҳаким, корчалонлар, Садиржон, Ҳалима) нигоҳи билан характеристика беради, улар орқали китобхон Бурҳон Шарифни эзгулик йўлида курашаётган қаҳрамон сифатида танийди. Бурҳон Шариф таниқли шоирлар “очиқ эшиклар”, “очиқ деразалар” деб шеър ёзаётган замонда “берк эшиклар”, “панжара тутилган деразалар” ҳақида ёзган ижодкорнинг ҳақ эканини яхши англайди, бироқ унинг Абдулла Ҳакимга берган кўмаги базмларга таклифнома бериш, ҳушёрхонадан чиқариб олиш, моддий қўллаб-қувватлашдан нарига ўтмайди. Яъни Бурҳон Шариф Абдулла Ҳакимни бир инсон сифатида қадрлайди, ижодкор эканлигини эмас. Бурҳон Шариф дастлаб объектив сабаб – ҳамма ўзини бир хил тутиши, бир хилда гапиришини талаб қиладиган жамият туфайли Абдулла Ҳакимга ёрдам беролмаган бўлса, кейинчалик субъектив сабаб – унинг муҳаббат ҳақидаги шеърлари рафиқаси Ҳалимага бағишлангани учун ҳам ёрдам беришни истамайди.

Муаллиф айрим ўринларда яна бир персонаж – Садиржоннинг ҳам Абдулла Ҳаким шеърларига муносабатини келтиради. Садиржон ёшликдан адабиётни яхши кўргани, қолаверса, севган инсони Гулхумор томонидан ҳадя этилгани учун Абулла Ҳаким шеърларининг чинакам мухлиси бўлиб қолади. Садиржон шоир шеърларида ўз дардининг ифодасини кўради. Умуман, муаллиф бадиий асар инсон руҳини поклашга хизмат қилиши зарурлиги ҳақидаги қарашларини Садиржоннинг Абдулла Ҳаким шеърларига муносабати орқали ифодалайди.

Шеъриятга ёшликдан қизиққан Абдулла Ҳаким адабиётни обрў орттириш воситасига айлантирмайди, шу билан бирга, ўз ижодига холис баҳо бера олади. Дастлаб ёзган шеърларини бақириқчақириқ деб таърифлаган Абдулла Ҳакимнинг “Кейин ёзганларим бироз шеърга ўхшайди” деган фикрида ҳам ўз ижодидан қониқмаслик сезилади.

Абдулла Ҳаким у дунёда диний ривоятларда келтирилгани каби ҳолатларни бошдан кечиради – Оллоҳнинг бир бандаси сифатида фаришталар томонидан савол-жавоб қилинади. Шу ўринда унинг “мен одамлар орасида ном чиқариб, катта шуҳрат қозонмаган бўлсам ҳамки, барибир шоир эдим. Одамларни эзгуликка, олийжанобликка даъват қилгим келарди” [2. 63] деган фикрлари келтирилган. Абдулла Ҳаким ёруғ дунёдаги ҳаёти давомида азалий ҳақиқатларга зид иш қилмаганлигини таъкидлайди, фаришта эса ўзини виждонли деб билган Абдулла Ҳакимнинг айб-нуқсонларини бирма-бир санаб ўтади:

- еб-ичиш, кийинишдан бўлак нарсани ўйламаслик;
- оқимга тушган хас эканлиги;
- умрида маъно ва мақсаднинг йўқлиги;
- тана ва руҳнинг пок эмаслиги;
- ўзликни англамаслик;
- бутун ҳаётнинг хўжайини деб билган киборларга худодан кўра кўпроқ ишониш;
- идорадаги ишда, кўрсатиб-кўрсатмай ёзилган шеърларда уларни тилга олмай туролмаслик;
- ҳайкалларига, суратларига астойдил сиғиниш (фаришта бу ҳолни бутпарастликка тенглаштиради).

Юқоридаги нуқсонлар фақат Абдулла Ҳакимгагина эмас, балки унинг атрофидаги бошқа одамларга, кўплаб замондошларига ҳам тааллуқли. Аммо муаллиф ижодкор шахс жамиятнинг энг олди вакили ва халқни тўғри йўлга бошлаши зарурлиги учун ҳам айбни айнан Абдулла Ҳакимга юклаган. Роман қаҳрамони ҳақиқат қарор топадиган кун – маҳшар кунида барча кишилар каби яхши ва ёмон амалларига жавоб беришига тўғри келади. Ёзувчи бошқаларнинг катта гуноҳлари олдида ўз гуноҳлари арзимас нуқсонлар эканига ишониб, ўзини яхши инсон деб билган кишиларнинг ботинига назар ташлайди. “Тўғри, сен ҳаммани қаёқларгадир чорлаб, ҳаммага гап ўргатгинг келарди. Шоирман деб бақириб-чақиришни касб қилгандинг” [2. 63]. Кўрамизки, адиб ижодкор фақат даъват қилиш билан чекланиб қолмаслиги, биринчи галда ўзлигини англаши, шахсий намуна бўлиши кераклигини фаришта нутқи орқали ифодалайди.

Гарчи муаллиф роман воқеаларига тўғридан-тўғри муносабатини билдирмасдан, гўё четда туриб уларни бадиий тадқиқ қилса-да, унинг персонажларга ва, умуман, роман воқелигига муносабати бадиий образ танлаган вақтдан бошлабоқ кўзга ташланади. Романда тасвирланган ижодкор шахсларни давр нимани куйлашни талаб этса, шуни куйловчи, омадли ижодкорлар ва ўз ҳақиқатларига содиқ қолиб “омадсизлар” сафини тўлдирганларга ажратиш мумкин. Ботир Оппоқов, Ғуломжон каби ёрдамчи персонажлар адибга ўзаро қиёслаш, зидлаш орқали ғоявий-бадиий ниятини ифодалаш имконини беради. Асарнинг “Афандининг болалиги” деб номланган учинчи ҳикоятида Раҳим II га ёвуз-

лигини яширишни маслаҳат берган Ғулом сартарош, умуман олганда, давр нимани талаб қилса, шуни куйловчи “ижодкор”лар тоифасига мансуб. Унинг хатти-ҳаракатларига муаллиф муносабати Насриддин ва унинг отаси билан бўлган суҳбатларда, Ғуломжоннинг ўзи томонидан айтилган иқрорларда намоён бўлади. Ғуломжон фақат Раҳим II га хизмат қилиб, ёлғон латифаларни куйлагани, бой-бадавлат бўлиб обрў топгани учунгина айбдор эмас, балки Насриддин каби (руҳи ва тани пок бўлган фариштадек) болани пуч ёлғонларга ишонтиргани, ҳақиқатни халқдан яширгани учун ҳам тубан кимса саналади.

“Тепаликдаги хароба” романидаги Илёс Ҳайрат образи Абдулла Ҳаким образининг мантиқий давоми деб ҳисоблаш мумкин. Абдулла Ҳакимнинг кўп хусусиятлари – ўз принципларига содиқлик, бор нарсани рўй-рост тарзда асарларда ифодалаш, яшаётган замонидан норозилик Илёс Ҳайрат образида ҳам кузатилади. Илёс Ҳайрат тарихчи зиёли бўлиб, “Тепаликдаги хароба” романи қаҳрамони Мирза Ғолиб ўй-кечинмалари орқали асарга киритилади. Абдулла Ҳакимнинг ижодкор ва шахс сифатидаги таназзули у дунёдаги савол-жавоблар воситасида ёритилади. Илёс Ҳайратнинг қарашлари, илмий хулосалари эса айни шу замонда яшаётган одам – Мирза Ғолиб тилидан берилади. Илёс Ҳайратнинг Абдулла Ҳаким билан ёнма-ён қўйилиши, аввало, уларнинг қисматдош эканлигида. Ҳар иккисининг аянчли тақдири тасвирида чин истеъдодларни англамаган, аксинча, уларни ўз қўли билан қурбон қилган давр сурати аксланади.

Абдулла Ҳаким, Илёс Ҳайрат образларидан фарқли равишда, Насриддин, Мирза Ғолиб образларида ўз-ўзини тафтиш қилиш, ўзининг ва атрофдаги инсонларнинг нуқсонларини англаганлик хусусияти мавжуд. Насриддин салтанат ҳукмдори саройига бориб, эътиқод қўйган шахсининг асл қиёфасини кўради ва маънан ундан устунликда эканлигини англаб етади. Мирза Ғолиб эса ичидаги қўрқувни енгиши билан атрофидаги барча тўсиқлар олиб ташланади. У ўзи устидан ҳукмронлик қилаётган “корчалонлар”нинг асл қиёфаларини ўзидаги қўрқувни енгиш билан кўра олади.

Хулоса қилиб айтганда, ижодкор шахсияти барча замонларда эътибор марказида бўлган. “Минг бир қиёфа” романида ҳам ижодкор образи, унинг атрофида содир бўлаётган воқеалар талқини орқали даврнинг ижтимоий-маданий ҳолати, замон кишилари руҳиятидаги эврилишлар, истибдоднинг халқимиз маънавий қиёфасига таъсири каби муаммолар очиб берилган.

Адабиётлар:

1. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д. Навоийшунослик. – Тошкент: Тамаддун, 2018. – 519 б.

2. Мухтор О. Минг бир қиёфа // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон қибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 11 – 162.

3. Каримов. Ҳ. Ў. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 124 б.

4. Ёқубов. И. Адабий мистификация бадиий восита сифатида // Илм сарчашмалари. УрДУ ахборотномаси. – 2001. – № 4. – Б. 31 – 32.

5. Назаров. Ў. Омон Мухтор романларида бадиий хронотоп муаммоси: Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Қарши, 2018. –47 б.

Андижон давлат университети,
2019 йил 10 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)